

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 3 сон**

**Бош муҳаррир:** Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

**Масъул муҳаррир:** Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

**Масъул муҳаррир ўринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Р.Жалалов

### **ТАҲРИРҲАЙЪАТИ**

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хақимов, ф-м.ф.д. М.Раҳматуллаев.

**Кимё фанлари:** акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

**Техника фанлари:** - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари:** – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари:** – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари:** – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

**Фалсафа фанлари:** – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари:** – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

**География фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

**Педагогика фанлари:** - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

**Тиббиёт фанлари:** – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник муҳаррирлар:** **Н.Юсупов, Г.Акмалжонова**

**Таҳририят манзили:** Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [ilmiy@inbox.uz](mailto:ilmiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий наشرлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.03.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб,

илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 3). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021**

**Аннотация:** В статье даётся сведения о взглядах Фараби про степени активного разума, возможного разума, подлинного разума

**Ключевые слова:** Активный разум, возможный разум, подлинный разум, учение, дух, идея, философское наследие, реальность, концепция, мусульманин

## FARABI ABOUT THE DEGREE OF ACTIVE MIND, POSSIBLE MIND, TRUE MIND

Ibrahimov Barotjon Botirovich  
Namangan state university  
Senior lecturer

**Resume:** The article provides information about Farabi's views on the degree of active mind, possible mind, true mind

**Key words:** Active mind, possible mind, genuine mind, teaching, spirit, idea, philosophical legacy, reality, concept, muslim

Фаробийнинг ақл концепцияси тўртта босқичга эга: яширин, фаол, ўз меҳнати билан топилган ва серғайрат ақл [1,Б.94].

Фаробийнинг ақл концепциясини Аристотель назарияси билан таққослаган рус олимлари Б.М.Кедров ва Ш.Е.Есенов шундай ёзишган: Фаробийнинг ақл ҳақидаги концепцияси Аристотель тушунчаси билан тўла-тўқис мос келиши шундаки, у ақлнинг абадий ва узлуксиз фаолияти ҳамда руҳнинг боқийлигини эътироф этиш маъносида эмас, балки уни (ақлни) инсон турига хос қобилият сифатида тушунишидир.

Фаробий пифагорчиларнинг руҳнинг бошқача шақлга кириши ҳақидаги фикрларига қарши турган ва руҳ жисмдан олдин бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлайди. Шунинг ҳам айтиш керакки, Фаробий яхши ва билимли одамларнинг руҳи абадий, деган фикрни ҳам илгари суради. Албатта, бу ўринда мутафаккир барча даврлар ва халқларнинг эзгу ниятлари ҳамда ижодини эътиборга олиб, уларнинг авлодлар хотирасида абадий қолишини назарда тутган бўлса керак.

Фаробий таълимотига кўра, серғайрат ақл-идрок имконий ақлни (ақл бил-қувва), яъни инсондаги яширин ақлни юзага чиқаради. Яширин ақл-идрок бу қандайдир руҳ, руҳнинг бўлаги, руҳ қобилиятининг бири ёки маълум шароитларда имконий яширин ақл - фаол ақлга айланади (ақл би-л-фаол). Бу эса тафаккур ва борлиқнинг айнанлигини билдиради.

Ақл ривожланиш босқичларининг ўзаро алоқада эканлигини таҳлил қилиш давомида Фаробий Аристотель каби охир-оқибатда Платон идеализмига ён босади, яъни алоҳида ҳождар олами мавжудлигини, бу оламда фикрлар "ўз-ўзидан ҳаракат" қилишлигини тан олади.

Ўз меҳнати орқали эришилган ақлнинг ўз-ўзидан ҳаракати натижсида серғайрат ақлга ўсиб ўтадики, бу мутафаккирнинг фикрича, инсон ақлининг абадий ва безавол эканлигини билдиради. Шундай қилиб, серғайрат ақл Оллоҳнинг (Яратувчининг) инъоми бўлиб, инсониятнинг маънавий такомиллашуви ҳамда тараққиётнинг қандайдир хусусиятига айланади. Шундай қилиб, Фаробий пировардида ақлни Худо - парвардигорнинг маҳсули деб қарайди. Худди шунга ўхшаш фикрларни Ибн Сино, Носир Хисрав, Абу Райхон Берунийлар ҳам илгари суришган эди.

Тадкикотчиларнинг тўғри таъкидлашича, файласуфларнинг ақл масаласини идеаллаштиришлари ўша даврдаги ғоявий кураш билан боғлиқ эди. Ислонинг диний мистик ғоялари хукмрон бўлиб, файласуфлар у билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. Шундай бўлсада, Форобий ва бошқа донишмандларнинг фаол ақл тўғрисидаги назарияси инсон ақлининг қудрати ва чексиз куч-қувватга эга эканлигини кўрсатиб, натижада фанни, философияни фаол ақл билан қўшишга ҳамда уларнинг ривожланишига олиб келди.

Форобийнинг ақл ва унинг куч-қуввати тўғрисидаги фикрлари ўз даври учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ақлга сиғиниш, унга сажда қилиш Марказий Осиё мутафаккирларининг билиш назарияси асосини ташқил қилади. Улар оламни билиш ва шу асосда маънавий такомиллашувга эришиш учун ақлга мурожаат қилганлар. Аллома "Донишмандлик асослари" номли трактатида сезгиларнинг имкониятлари чекланганлиги ва ақлнинг эса чексиз имкониятларга эга эканлигини таъкидлайди: "Ақл йўқ нарсани, лекин келажакда пайдо бўладиган нарсани акс эттириши мумкин"[1, В.95], дейди у.

Яна бир бор таъкидлаб ўтиш лозимки, Форобий яшаган давр ўта мураккаб бўлиб, "бу даврнинг энг муҳим хусусияти, яъни диний тафаккурнинг тўла хукмдорлиги"га қарамай, ўз даврининг ва келгуси фалсафий тафаккур ривожининг "иккинчи муаллими" бўлади. Бу ҳақда Эрон Ислон республикасининг собиқ президенти Сайид Муҳаммад Хотамий шундай деб ёзади: "Мусулмонлар ҳам, мусулмон бўлмаганлар ҳам Форобийни "иккинчи муаллим" дейишлари, ислон фалсафасининг асосчиси дейишлари бежиз эмас. Бундай шон-шухрат унинг фалсафа соҳасидаги алоҳида мумтоз мавқеи борлигини билдиради. Бошқа мутафаккирлар ўзларининг улўворликлари, ғоя ва муҳокамалар оламида янги йуллар очганлигига қарамай, бундай унвонга сазовор эмаслар" [2,В.66-67].

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, Форобийни буюклик даражасига олиб чиққан ғоя - бу ақл тўғрисидаги мукамал назариядир. Форобий бу борада "Фалсафий мавзуларни тизимлаштиришда ўз издошларидан ўтибгина қолмай, балки шу билан бирга уларни қарздор ҳам қилиб қўйди. Бундан ташқари, у шундай мавзуларни очган эдики, мураккаблигидан кўпчиликнинг унга тиши ўтмас ёки адашиб, бошқа кўчага кириб кетарди"[2,В.66].

Ҳатто, тенгсиз даҳо ва Ҳакимларнинг муаллими Ибн Сино ҳам устоз олдида бош эгган. Ибн Сино одатий таъриф - тафсифлардан, яъни Аристотель асарларини англашда Форобий шарҳлари унга ёрдам берганини қайд қилади.

Шу ўринда Форобий фалсафий тизимининг қуйидаги фикрларига эътибор қаратиш лозим. Уларда ақл-тафаккур, вужуд ва ақлнинг бирлиги ўз ифодасини топган. Форобий шундай таъкидлайди: "Оромга эришган руҳнинг камолоти - бу биринчи ҳақиқатни" мушоҳада этиш бўлиб, уни фақат қалб билан англаш мумкин. Ва шу қалбга, яъни софлик ва валийликка эришган қалбга тушадиган ҳақ нури порлашига тенгдир. Биринчи ҳақиқатни мушоҳада этиш қалб ҳаловатининг олий даражасидир. Бу ерда ақл воситасида эришилган билиш охириги мақсад эмас, балки инсоннинг покланган қалби камолоти ва жазава сабаби ҳисобланган ҳақиқатни идрок этишга муқаддимадир. Ва онгни оқилона далиллаш мумкин, аммо ақл изланишларининг охириги мақсади ва яқунловчи босқичи бу мушоҳададир.



Форобий фикрича, ҳақиқатга йул - муҳокама ва ақл орқали борилади, аммо бу мақсадга эришиш учун фақат ақлнинг ўзи кифоя эмас, бунинг учун ички оламни поклаб бориш керак. Кўриниб турибдики, аллома соф ақлни инсоннинг соф руҳияти билан узвий боғлайди. Ҳақиқатни билиш учун руҳни табиатнинг қуллик занжиридан халос этишга ёрдам берадиган маънавий камолот усуллари (риёзат)дан фойдаланиш зарур, дейди Форобий. Унинг ирфони (илмий) шарияти каби, ақл эса фалсафа билан уйғунликда мавжуддир.

Алломанинг ақл ҳақидаги концепциясининг моҳияти шундаки, ақл дунёни ва моддий оламни билиб олгандан кейин, пировардида коинотдаги мавжудотни англашга киришади ва абадий ақлга ўтади. Аммо, шуни қайд этиш зарурки, Форобийнинг ушбу фикрларида мистик ғоялар бўлса-да, лекин ақл тўғрисидаги илмий-дунёвий қарашлари илмий фанларнинг ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Ўз даврида пантеизм ва билиш рационал услубининг ривожланишига ижобий таъсир курсатган.

Абу Наср Форобий ақлли инсон ҳақида гапириб шундай ёзади: "Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга у фазилатли ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва бутун фикр юритувчи деб аташ мумкин"[3,В.182].

Демак, инсон ўз ҳаёти ва фаолиятини мазмунли ўтказиш учун аввало ўзини ўраб турган борлиқни билиши, юксак ақл ва тажриба эгаси бўлиши лозим. Чунки инсон ақли унинг ҳаётида муҳим ўрин тутиши, ақл-идрок туфайлигина инсон донолик, теран фикр, ростгуйлик, тўғрилиқ, узоқни кўра билиш, нафснинг кўйига тушмаслик каби хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Форобийнинг фикрича, фазилатли шахарни ё пайгамбар, ё файласуф ва ё фазилатли (салоҳиятли, истеъдодли) киши бошқариши лозим. Файласуфлар, фозил кишиларнинг мақсадлари билан пайгамбарларнинг ғояси бирдир. Пайгамбарлар ҳақиқатни ваҳий орқали ўргансалар, файласуфлар ва фазилатли кишилар ҳақиқатни ақл йўли билан излаб топадилар ва ўргатадилар.

Туркистонда ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида Имом Исмоил Бухорий, Имом Абу Исо ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Бурхониддин Марғиноний, Имом Мотурудий, Абдуҳолик Фиждувоний кабиларнинг етишиб чиққанлиги ва ислом таълимотининг йирик намояндаларига айланганлиги фикримизнинг исботидир. Уларнинг айримлари 1200 йил муқаддам, жамиятнинг иқтисодий, хўжалиқ, моддий-маиший, маданий юксалишида маънавий, тарбиявий омилларнинг алоҳида хиссаси борлигини исботлаб берган эдилар.

Умуман, мусулмон файласуфлари турли оқимларга, мактабларга мансублигидан қатъий назар, ақл инсоннинг олий қобилияти, зеҳнлилик ва зукколик инсоннинг энг муҳим инсоний фазилати эканлигини яқдиллик билан маъқулладилар. Мусулмон файласуфларининг фикрига мувофиқ инсоннинг барча қобилиятлари ўртасида энг аълоси ақлдир. Худди шу қобилият туфайли инсон оламдаги турли тирик жонзотлардан тубдан фарқ қилади. Атрофида содир бўлаётган ҳодиса, воқеаларни

билади. Ўзининг ҳатти-ҳаракатини, хулқ-атворини назорат этади. Жамиятда ўзини тутишни ўрганади.

Мусулмон файласуфлари илк ўрта аср шароитидаёқ ақл тушунчасининг маъно ва моҳияти, мазмун ва шақлини аниқлаб беришга ҳаракат қилдилар. Жумладан, Ал Киндий биринчилардан бўлиб "ақл" тўрт кўриниш: "имконий ақл", "воқеий ақл", "фаол ақл", "оламий-илоҳий" ақлларда намоён бўлади" [4,Б.257], деган бўлса, Абу Наср Форобий "ақл" ўз маъносига кўра "илоҳий" ва "инсоний" ақлга бўлинади, деган ғояни илмий жамоатчилик ҳукмига хавола қилган. Ўз фикрини давом эттириб, "инсоний ақл" ўз моҳиятига кўра: "назарий ақл", "амалий ақл" ва "туғма ақл"га бўлинади. Назарий ақл эса эришилган даражасига қараб: "имконий ақл", "воқеий ақл", "орттирилган ақл" кўринишларида намоён бўлади, деган.

Форобийнинг таъкидлашича, "назарий ақл"нинг биринчи кўриниши - "имконий ақл" инсоннинг руҳий-маънавий қобилияти бўлиб, унинг ёрдамида инсон олам тўғрисида маълумотга, турли тушунчаларга эга бўлади. "Назарий ақл"нинг инсон туйғуларидан фарқи шундаки, у борлиқнинг моддий ҳолати эмас, балки турли тушунчаларда ўз ифодасини топган мавҳумликдир [5,Б.11-12]. Назарий ақлнинг иккинчи кўриниши - "воқеий ақл" - имконий ақлнинг воқеликка айланиши натижасида ҳосил бўлади. "Воқеий ақл" моддий кўринишга эга бўлмайди. Форобий талқинича, худди шунинг учун ҳам, "воқеий ақл" ҳаминша имкониятдаги ақл бўлиб қолаверади. У турли тушунчаларда ўз ифодасини топганидагина воқеликдаги ақлга айланади [6,Б.313-314].

Инсон "назарий ақли"нинг энг муҳим кўриниши бўлган "имконий ақл" "фаол ақл" ёрдамида "воқеий ақл"га айланади. Ўз навбатида, "фаол ақл" "орттирилган ақл"га жуда яқиндир [7,Б.33-34]. Шунинг учун ҳам "фаол ақл" инсон тафаккурининг ривожланиши учун зарурий шарт-шароитдир. Бундай шарт-шароитсиз тафаккурнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас [5,Б.34-36]. "Фаол ақл" туфайли инсон буюкликка: донишманд, файласуф, пайғамбар даражасига кўтарилади [5,Б.315-316].

Форобийнинг таъкидлашича, инсоний ақлнинг иккинчи кўриниши "амалий ақл"дир. "Амалий ақл" инсоннинг кундалик турмушдан орттирилган тажрибаси асосида ҳосил бўлади. "Амалий ақл" ёрдамида инсон кундалик турмушда нимани қилиши, нимани қилмаслигини билиб олади. Ёки ҳаётда орттирилган тажриба инсон амалий ақлининг асосини ташқил этади. Инсон қачалик кўп ҳаётий тажрибага эга бўлса, у шунчалик мукамал амалий ақлга эришади [6,Б.79], Инсоннинг амалий ақли муҳаё қилиш ва фикрлаш қобилиятларида янада яққолроқ намоён бўлади. Муҳаё қилиш қобилияти орқали инсон ўзидаги бунёдкорлик, яратувчилик малакаларини намоёйиш этса, фикрлаш орқали ўзидаги мушоҳада қамровини намоёйиш этади.

Форобийнинг фикрига мувофиқ инсоний ақлнинг учинчи кўриниши - "туғма ақл"дир. "Туғма ақл"нинг кириб келганлигини инсоннинг ўзи англаб етмайди. Чунки "туғма ақл" инсон табиатига руҳ орқали кириб келади. Руҳ орқали ўтиб келган бундай қобилият туфайли ўзлаштирилган билимлар инсон назарий билимларининг асосини ташқил этади [5,Б.78., 6,Б. 103-104, 263, 557.]. Форобий таъкидлаганидек, инсондаги ақл-заковат ("ақлий кувват") борлиқнинг турли-туман кўринишларининг аксидир. Инсон ўзидаги ўша ақл-заковат ёрдамида аввал ерда содир бўлаётган ўзгаришларнинг сабабларини, сунгра эса осмон жисмларининг сиру-асрорини билади. Инсоннинг олам

ва одам тўғрисидаги тўплаган билимлари, яъни ҳаётлигида яратган маънавий бойликлари ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди, балки "дунёвий ақл"ни ташкил этади. Инсон ақли олам сирларини билишда энг юксак чўққига кўтарилганда "кайҳоний ақл", "кайҳоний руҳ" билан қўшилади.

Берунийнинг эътироф этишича, инсоннинг ақлий қобилиятлари: фикрлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш - хотира, идрок, ирода билан чамбарчас боғлиқдир. Ақлий қобилиятлар туфайли инсон ташқи муҳитда содир бўлаётган ўзгаришларнинг бирини иккинчисига чоғиштиради, таҳлил қилади. Ростни ёлғондан, адолатни адолатсизликдан, яхшини ёмондан, ҳақиқатни ноҳақиқатдан ажратади.

Мусулмон файласуфлари Ал-Киндий, Ал-Фаробий, Ибн Сино, Ал-Ғаззолий, Ибн Рушдлар ўрта аср шароитидаёқ ақл тўғрисида бир бутун яхлит таълимот яратишга ҳаракат қилганлар. Ушбу таълимотга асосланган шарқнинг буюк алломалари - Маҳмуд аз-Замахшарий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий инсон ақл-заковатини янада мустаҳкамлаш, унинг қувватини ошириш йўллариини изладилар. Ақл далилларини ахлоқ-одоб далилларига қўшиш орқали инсон ақл-заковатини оширишга, имкониятларини яхшилик, эзгуликка ишлатишга даъват этдилар. Ақл билан ахлоқ-одоб пайваста бўлса, бири иккинчисини тўлдирса, бойитса, чинакам инсоний ақллилик рўй беришини ҳар томонлама исботлаб бердилар.

Ақл тўғрисида фалсафий меросга таяниб, ишонч билан айтиш мумкинки, ақлий зукколик инсоннинг ўта нодир қобилияти, руҳий-маънавий фаолиятидир. Бу ўта мураккаб, нодир мўъжиза ёрдамида инсон борлиқнинг турли шакллари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва ўзаро таъсир қонуниятларини, ўша ўзаро алоқадорлик, ўзаро таъсир механизмининг моҳиятини, ҳатто инсон борлигининг ўзига хос хусусиятларини ҳам билиб олади. Худди шунинг учун ҳам ақлий зукколик инсоннинг олам ва одамни билиш ва уни ўзгартириш борасидаги фаолиятининг асосини ташкил этади.

Фаробий ўз даврининг моддий ва маънавий маданияти ривожини умумлаштириб, яхлит фалсафий тизимни яратди ва шу билан ижтимоий- фалсафий, ахлоқий-эстетик, табиий-илмий тафаккур хазинасига бебаҳо ҳисса қўшди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Фалсафа ва ҳуқуқ, махсус сон / 2011.
2. Саййид Муҳаммад Хотамий. Ислом тафаккур тарихидан. - Т.: "Минҳож" нашр., 2003.
3. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри,- Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
4. Философский энциклопедический словарь.-М.: 1989..
5. Аль-Фараби. О значениях (слова) разум. Аль-Фараби. О разуме и науке.-М., 1975.
6. Аль-Фараби. Философские трактата,- Алма-Ата, 1972.
7. Шаймухамбетова Г.Б. Учение Платона об идеях и теория разума аль-Фараби. Аль-Фараби. Научное творчество.-М., 1975.
8. Логические трактаты.-Алма-Ата, 1975

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА СОЦИАЛ СТРАТИФИКАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК

Шарипов Абдухакимжон Зиёитдинович  
Бухоро давлат университети, Ислом тарихи ва  
манбашунослиги, фалсафа кафедраси фалсафа  
фанлари номзоди, доцент

**Аннотация.** Ушбу мақолада социал стратификация ва тенгсизлик муаммосини ўрганишнинг асосий назарий ёндошувлари, XXI аср ижтимоий-фалсафий тафаккурига айланиши кўриб чиқилди. Мақолада глобаллашувнинг жамият структурасини тузилиши, социал стратификацияга таъсири, янги ижтимоий қадриятлар ва қатламлар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик зарурияти таҳлил қилинган ва барқарорликнинг асоси сифатида мустаҳкамланиши тўғрисида таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** глобаллашув, табақаланиш, гуруҳ ва қатламлар, барқарорлик, ҳамкорлик.

## СОЦИАЛЬНЫЕ СТРАТИФИКАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ И СОЦИАЛЬНОЕ ПАРТНЕРСТВО В ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Шарипов Абдуксакимжон Зиёитдинович  
Бухарский государственный университет, история ислама и  
кафедра философии,  
кандидат философских наук,

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются основные теоретические подходы к изучению проблемы социальной стратификации и неравенства, а также трансформации взглядов на проблему в социально-философское мышление XXI века. В статье анализируется влияние глобализации на социальную структуру общества, социальная стратификация, необходимость новых социальных ценностей и сотрудничества между слоями. Были сделаны предложения о статусе стратификации общества в разных странах, основы социальной стабильности.

**Ключевые слова:** глобализация, стратификация, критерии, общество, устойчивость, сотрудничество.

## SOCIAL STRATIFICATION PROCESSES AND SOCIAL COOPERATION DURING GLOBALIZATION

Sharipov Abduxakimjon Ziyotdinovich  
Bukhara State University, History of Islam and  
Department of Philosophy,

**PhD, Associate Professor Annotation.** In this article, the main theoretical approaches of studying social stratification and the problem of inequality, moreover, the change of theories related to this matter social-philosophical thinking of the XXI century have been observed. In the article, the need of social cooperation between new social values and lays, structural community formation and the



**МУНДАРИЖА**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ**

**01.00.00**

**ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

|   |   |    |
|---|---|----|
| 1 | О некоторых условиях стремления коэффициентов ряда Фурье к нулю<br>Ахмедова У.Ё   | 3  |
| 2 | Буль функцияси ва унинг интерпретацияси<br>Ахмедов О.У., Неъматов И   | 8  |
| 3 | Plutoniý radioaktiv izotopining $\alpha$ -yemirilishini virtual laboratoriyada o'rganish<br>Xudayberdiyev E.N, Bisenova B.T, Samandarov L.Q                 | 12 |
| 4 | Структурные особенности твердого раствора $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$<br>Бобоев А. Й., Усмонов Ж. Н. | 21 |
| 5 | Matematika darslarida axborot texnologiyalaridan foydalanish<br>Muxamadaliyeva M.   | 25 |
| 6 | Бургерс тенгламасини ечишда ввцп ва мак-кормак сонли усуллари<br>қўлланилиши.<br>Наврузов Д. П.   | 30 |
| 7 | Учлари эркин таянган чизиқли қовушқоқ эластик стерженнинг флаттер ҳолати<br>Мансуров М.М., Акбаров У.Й.   | 36 |

**КИМЁ ФАНЛАРИ**

**02.00.00**

**ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**CHEMICAL SCIENCES**

|    |  |    |
|----|--|----|
| 8  | Усовершенствование очистки сточных вод шелкомотальных производств<br>Амонова М. М, Умуров Ф.Ф, Амонов М.Р  | 43 |
| 9  | 2-Seleno-5,7-dimetil pirido (2,3-d) pirimidinon-4 ni<br>Co(II), Ni(II) VA CU(II) tuzlari bilan koordinasion birikmalar sintezi<br>Yakubov E.Sh, Nazarov F.F, Nazarov F.S | 48 |
| 10 | Кимё фанидан 9-синф ўқувчиларнинг экспериментал қўникмаларини<br>шакллантиришни такомиллаштириш<br>Холмирзаев Ў.И.   | 52 |
| 11 | Винилацетилен иштирокида морфолиннинг тўйинмаган ҳосилалари синтезида<br>катализатор табиати ва миқдорининг таъсири<br>Ахмедов В.Н, Жумаев Ж. Ҳ, Шарипова Н.Ў            | 58 |
| 12 | Глауконит ва фосфорит шламнинг нитрат кислотаси билан парчаланишига<br>асосланган комплекс ўғитлар ишлаб чиқариш усулини ўрганиш   |    |

|    |  |     |
|----|--|-----|
|    | муҳим жиҳатлари  |     |
|    | Исроилов М.И. ....   | 209 |
| 37 | Нафосатни яратилишида сифат ва миқдор мезонларининг таҳлили  |     |
|    | Кадирова Д.С. ....   | 213 |
| 38 | Ўзбекистонда микрокредит ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари  |     |
|    | Мадумаров Т.Т., Фуломжонов О.Р. ....   | 219 |
| 39 | Таълим тизимида миллий ғоя фаннининг аҳамияти  |     |
|    | Маликова Д.Қ. ....   | 223 |
| 40 | Экологик ахлоқни шакллантириш ва ривожлантириш Ўзбекистонда экологик вазиятни барқарорлаштириш ҳамда глобал экологик муаммоларни бартараф этишнинг муҳим омили |     |
|    | Абдуазимова З.А. ....  | 227 |
| 41 | Ёшлар онгида экоэстетик тафаккурни шакллантиришнинг аҳамияти.  |     |
|    | Ниёзов С.С. ....   | 233 |
| 42 | “Оммавий маданият” таҳдидига қарши курашнинг замонавий усуллари  |     |
|    | Рахмонова С.Ш. ....  | 239 |
| 43 | Дунё экологик манзарасининг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари   |     |
|    | Саманова Ш. Б. ....  | 243 |
| 44 | Фаробий фаол ақл, имкониятдаги ақл, воқеликдаги ақл даражалари ҳақида  |     |
|    | Ибраҳимов Б.Б. ....  | 247 |
| 45 | Глобаллашув шароитида социал стратификацион жараёнлар ва ижтимоий ҳамкорлик  |     |
|    | Шарипов А.З. ....  | 253 |
| 46 | Инсон онги - миллий ғоя тизими элементи: назарий таҳлил  |     |
|    | Эргашев И., Сапаев В. ....   | 259 |
| 47 | Тарихий билишда фанлараро алоқадорликлар   |     |
|    | Бердиев Ў.Б. ....  | 264 |
| 48 | Тасаввуф таълимоти: йўналишлари ва уларда инсон камолоти масалалари  |     |
|    | Қабулов Қ.П. ....  | 269 |

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

**10.00.00**

**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**PHILOLOGICAL SCIENCES**

|    |   |     |
|----|---|-----|
| 49 | Kognitiv lingvistika va lingvokulturologiya tilshunoslikning sohasi sifatida.   |     |
|    | Aliyeva D.M. ....   | 274 |
| 50 | Concepts of speech purity and being free from non-literary language units, as well as the use of dialectal words in english oral speech |     |